O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 24-iyul • Shanba • 86 (31.206) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ОЛИЙ СУД РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2010 йилнинг биринчи ярим йилида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 128 мингга яқин фуқаролик ишлари, 500 мингга яқин суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди. Чиқарилган суд буйруқлари бўйича 174 миллиард сўмдан зиёд маблағлар ундирилган. Фуқаролик ишларининг 90,0 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,0 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди. Таъкидлаш керакки, судлар фаолиятида асосий эътибор — қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят оқибатида етказилган 104 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги сабабли 17 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Йиғилишда судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилиб, суд органлари фаолиятига танқидий баҳо берилди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлисдаги партия фракциясининг қўшма мажлисида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлик асосида ижро тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга доир фаолиятда партиянинг таъсирини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Партия фаолиятида
юқори, қуйи поғона бўлмайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 32 нафар фракциямиз аъзоси бор. Маълумки, мамлакатимизда 135 та сайлов округи мавжуд. Демак, партиямиздан сайланган Қонунчилик палатаси депутатлари 32 округ доирасида аҳоли билан учрашув ўтказади, холос. Агар маҳаллий Кенгашлар, яъни туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига сайланган депутатлар фракция билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйса, партиямиз овози барча ҳудудларга етиб боради.

Электорат манфаатини ҳимоя қилиш барча даражадаги депутатларнинг вазифаси ҳисобланади. Партия депутатлик гуруҳлари жойлардаги тарафдорлари орзу-умиди билан яшайди, энг муҳими, сайловчилари истиқомат қиладиган ҳудуднинг томир уришини сезиб туради. Партия гуруҳи билан фракциянинг ҳамкорлигини таъминлашда, биринчидан, алоқаларнинг мунтазамлиги муҳим.

Бу масалада фракциямиз жойлардаги партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидан етарли фойдаланаётгани йўқ. Шу маънода, Қонунчилик палатаси депутатлари туман, шаҳар ва вилоят партия кенгашларида депутатлик қабул кунлари ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бу йўналишдаги ҳамкорлигимиз тегишли масалаларни жойларда ҳал қилишга самарали таъсир кўрсатади.

→2

Мен жўн нарсаларни эмас, ёшларимизни асраш ҳақида, юртимиз буюк келажаги эгаларини қандай тарбиялаш тўврисида ёздим... →2

Пойтахт аэропортида хориж фуқароси Р.Бунсунг «Тошкент-Алмата» йўналишидаги парвозини қолдиришига тўври келди. →4

Саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби мафтункор шаҳарларда бўлиб, машҳур тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганимдан ғоят мамнунман. Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри ўзига хослиги ва қадимийлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек деҳқонлари меҳнатини алоҳида таъкидламоқчиман. Тарвуз-қовун, шафтолию олма таъми бир умр тилимда қолади. Тошкент бозорларида исталган маҳсулотни топиш мумкин. Жумладан, ширин-шакар мевалар, хилма-хил маиший буюмлар, ранг-баранг миллий ва замонавий либослар ҳар қандай нозик дид эгасига манзур бўлади. Бозорларнинг тўкинлиги юрт фаровонлигидан далолатдир».

Оқил Ал-ЖАДҲИЙ *(Миср).*

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Биз юртимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги нашрлар циклини давом эттирмоқдамиз.

Ўтган йилнинг декабрь ойида чоп этилган аввалги мақолада сайловлар, ижро иши юритиш, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг кодексларидаги ярашув жиноий-ҳуқуқий институтини кенгайтириш, фуқаролик процессида вакиллик институтини такомиллаштириш, сифатсиз ва қалбаки дорилар ҳамда тиббий буюмлар билан муомала қилиниши учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида гапириб ўтилган эди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг норматив базасини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини» таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Давлат раҳбарининг бу талабларидан келиб чиқиб, мазкур йўналишдаги ишлар доимий асосда олиб борилмоқда.

Жумладан, фақатгина 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентига Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини тартибга солишга қаратилган 11 та қонун лойиҳаси киритилган. Уларнинг бир қисми аввалги мақолаларимизда ёритилган эди, шу боис қонунчиликка киритилган кейинги ўзгартишларга оид қонун лойиҳаларига назар ташласак.

Хусусан, жорий йилнинг 18 май куни маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун жиноят қонунини янада либераллаштириш ва жиноий жазоларни дифференциялашга қаратилган. Мазкур Қонун лойиҳаси енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жиноят учун жазо тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини ўрганиш натижалари бўйича ишлаб чиқилган эди.

→3

Муносабат

Қимматчилик, қаҳатчилик, очарчилик даврларини бошдан кечирган, бир бурда нонга зор бўлиш азобини кўрган авлодлар кексайиб бораяпти. Шу боис доннинг, нонинг қутлуғ неъмат эканлигини ёшлар даврасида такрорлаб туриш биз кекса авлодга ҳам қарз, ҳам фарз.

Ғалла — тўкинлик ва фаровонлик гарови

→2

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Чемпионлар улгайган, камолга етаётган даргоҳ

Ислом КАРИМОВ:

Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.



Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежи ярим асрдан буён спортнинг оммавий турлари бўйича мамлакат, Осиё, жаҳон, олимпиада чемпионлари ва нуфузли халқаро мусобақалар ғолибларини тарбиялаб келаётган масканлардан биридир. Ўтган йили коллежда бошланган таъмирлаш ишлари давом этаяпти. Ушбу мақсадлар учун биринчи босқичда 2,5 млрд. сўм, иккинчи босқичда эса 3,5 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Биз мазкур даргоҳдаги таълим-тарбия жараёни, келажак режалар ҳақида коллеж директори **Мурод АЛИЕВ** билан суҳбатлашдик.

4-бет

ОБ-ҲАВО 24-25.07.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	31°C	33°C
Самарқанд	32°C	34°C
Нукус	34°C	35°C
Қарши	36°C	38°C
Урганч	34°C	35°C
Навоий	33°C	36°C
Фарғона	32°C	34°C
Бухоро	34°C	36°C
Андижон	32°C	34°C
Наманган	32°C	34°C
Термиз	36°C	38°C
Жиззах	32°C	34°C
Сирдарё	32°C	34°C
Тошкент вил.	32°C	34°C
Лондон	30°C	31°C
Париж	31°C	32°C
Москва	35°C	36°C
Мадрид	36°C	36°C
Пекин	37°C	38°C
Гонгконг	41°C	42°C
Рим	33°C	34°C
Анқара	35°C	37°C
Токио	32°C	33°C
Стокгольм	31°C	32°C
Кейптаун	16°C	15°C
Қоҳира	29°C	30°C
Гавана	41°C	42°C
Вашингтон	32°C	33°C

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 20 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1389,49	1 Миср фунти	281,43	1 СДР	2425,23	10 Жанубий Корея вони	13,17
1 Англия фунт стерлинги	2454,21	1 Канада доллари	1519,15	1 Туркия лираси	1037,88	10 Япония иенаси	184,93
1 БАА дирҳами	436,44	1 Хитой юани	236,45	1 Швейцария франки	1530,76	1 Россия рубли	52,62
1 АҚШ доллари	1603,01	1 Малайзия рингити	497,13	1 Евро	2036,12	1 Украина гривнаси	202,89

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Партия фаолиятида

юқори, қуйи поғона бўлмайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу йил Қонунчилик палатаси депуталарининг аҳоли билан учрашувлари жўшқин ва ишчан кайфиятда ўтди. Чунки анъанавий учрашувлардан фарқли ўлароқ, аниқ режа ва йўналиш асосида иш юритдик. Кўп қатори мен ҳам ўн кун давомида ўз сайлов округимда аҳоли билан учрашувлар ўтказдим. Унда турли масалалар юзасидан мурожаатлар бўлди. Жумладан, уй шароитида чорва, парранда боқаётган аёлларга меҳнат дафтарчаси очиш масаласи кўп жойларда оқсаётган экан. Бу ўша ҳудудда партиямиз, маҳаллий депутатлик гуруҳларимиз қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишларини етарли даражада олиб бормаётганини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари жамиятда демократия қай даражада эканини белгиловчи уч мезон борлигини алоҳида таъкидлаган. Халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардор бўлса, ҳукумат қарорларининг халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши ва оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши ана шу мезонлардандир. Шундан келиб чиқсак, парламент назорат-таҳлил фаолиятида партия гуруҳлари иштирокини таъминлаш, яъни ишчи гуруҳи таркибига жойлардаги партия гуруҳлари вакилининг қўшилиши, шубҳасиз, бу борадаги ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қабул қилиниши кўзда тутилган қонун лойиҳалари билан депутатлик гуруҳларини таништириш ва қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида депутатлик гуруҳлари таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш умумий жараённи янада фаоллаштиради, айни вақтда қонунлар ҳаётийлигига замин яратади.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Галла — тўкинлик ва фаровонлик гарови

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримовнинг зафар маррасини эгаллаган мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган табригидан беҳад хурсанд бўлдик. Табрикдаги **«Азалдан нондек азиз ва табаррук неъматнинг қадрига етадиган, уни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз бу беқиёс ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилганини чуқур англайди»,** каби сўзларни ҳаяжонланмасдан ўқиш мумкинми!..

2007 йилда ташкил этилган «Шаҳанд ҳумо қуши» фермер хўжалигимиз тасарруфидаги 40 гектар ернинг 15 гектарида буғдой етиштирдик. Ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобидан 63 центнерни ташкил этди. Етиштирилган 94,5 тонна доннинг ўзимизга қолдирилган 15 тоннасини фермер хўжалигимиз аъзоларига тақсимладик. ЎзХДП Тўрақўрғон туман Кенгашининг раиси Орифжон Охунов тавсиясига кўра «Дашт» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 5 та кам таъминланган оилага ёрдам тариқасида 300 килограммдан дон тарқатдик.

Президентимизнинг биз ғаллакорларга йўллаган табригини қайта-қайта ўқир эканман, шу нарсани чуқур англадим: ҳалол меҳнат ва барака рамзи бўлган ғалла қадрини фарзанд ва набираларимиз онгига астойдил сингдиришимиз керак. Чунки мамлакат фаровонлиги ғалла билан, дастурхон файзи нон билан белгиланганидай инсоннинг қадр-қиймати ҳалол меҳнат билан етиштирилган ғаллани, пешона тери билан топилган нонни эъзозлашда намоён бўлади.

Абдурайим ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳанд ҳумо қуши» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП фаоли.

Халққа хизмат изсиз кетмайди

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

■ Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги «Тинчлик» овул фуқаролар йиғинида Муҳаббат исмли аёл истиқомат қилади. Табиатан камтар, аммо ҳаракатчан бу аёлни кўпчилик ҳурмат қилади. У 2004 йили «Тинчлик» ОФЙ раиси диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Иш жараёнида кўп оилаларда бўлиб, қишлоқ хотин-қизларининг турмуш тарзи, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлиги билан қизиқди. Мавжуд муаммолар ечим топиши учун ҳаракат қилди. Шу билан бирга, туман хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Ташаббускор аёл» уюшмасига ҳам раҳбарлик қилди. Нукус ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган «Йил аёли» кўрик-танлови ғолиби бўлди.

Муҳаббат ўтган йили Қорақалпоғистонда пиллачиликни ривожлантириш лойиҳасининг Беруний тумани ресурс маркази раҳбари этиб тайинланди. Шундан сўнг қишлоқдаги 15 нафар қиз ресурс маркази орқали Марғилонга бориб, ипакчилик бўйича иш ўрганишди. Марғилондан пилладан ипак олиш, ип йигириш, тўқиш ва бошқа жараёнлар учун зарур саналган ускуналар олиб келинди. Марғилонлик усталар билан ҳамкорлик, ҳамфикрлик натижаси ўлароқ бугунги кунда Муҳаббат Оннамуродова бошчилигида қизлар атлас матолар ишлаб чиқармоқда.

Муҳаббат Оннамуродова бир неча йилдан бери Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Ишбилармон аёл партия дастуридан келиб чиққан ҳолда, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам беришга астойдил ҳаракат қилади. Табиийки, халққа хизмат изсиз кетмайди. У халқ депутатлари Беруний туман Кенгашига депутат этиб сайланди.

Аёл оилада бахтли бўлса, жамоат ишларида ҳам фаолияти самарали кечади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, Муҳаббат Оннамуродова ҳар жиҳатдан ҳаётини ибратли ташкил этганини кўрамиз. У турмуш ўртоғи Ойбек Қозоқов билан 2 фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.

— Партиямиз ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар қилмоқда, — дейди халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутати Х.Ешимбетов.

— Мени қувонтирадиган нарса — туманимизда депутатликка сайланган аёллар сони 6 нафарни ташкил қилса, шундан 5 нафари ЎзХДП аъзосидир. Демак, аёлларимизнинг ижтимоий фаоллиги, шу билан бирга, эл орасидаги ҳурматиззати ошмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида депутатлар зиммасидаги муҳим вазифалар юклади. Ишончим комилки, депутат этиб сайланган аёлларимиз, жумладан, Муҳаббат Оннамуродова ҳам шундан келиб чиқиб, астойдил меҳнат қилмоқда.

Лола ХЎЖАНИЁЗОВА,
Беруний туман «Халқ минбари» газетаси муҳаррир ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

Бандлик масаласи

таклифлар қоғозда қолиб кетмайди

■ Дўконлардаги тайёр кийим-кечаклар одамларни ҳар доим қониқтиравермайди. Ё ўлчами тўғри келмайди, ё бичими дидга ўрнашмайди. Шу боис ҳонқалик якка тадбиркор, партиямиз аъзоси Даврон Бобожоновга қарашли кичик тикувчилик цехида ишлаётган тўрт нафар ёш тикувчининг қўли қўлига тегмайди. Бу ерда устоз-шогирдлик анъанаси асосида яна беш нафар ёш йигит-қиз тикувчилик сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Мўъжаз цехда буюртма асосида тикилаётган костюм-шим, қишки мавсум либослари бичимининг пишиқлиги ва кўркамлиги билан исталган хориж фирмалари маҳсулотларидан қолишмайди.

Шу кунларда тадбиркор кичик фабрика очиш орзусида. Бунинг учун, ер майдони ажратиш, тикув машиналари ва замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун анчагина маблағ ҳам зарур.

— Партиямиздан сайланган депутатлар ва фаолларимиз тадбиркор билан ҳамкорликда ана шу масала ечими бўйича иш олиб бормоқда, — дейди Ҳонқа туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисов. — Биз бу масала юзасидан ўз ваколатимиз доирасида тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Амалий натижага эришиш устида астойдил ишлаяпмиз.

«Ҳонқа-чевар» масъулияти чекланган жамиятга партиямиз фаоли Хушнуд Бекметов бошчилик қилмоқда. Ишбилармон, ташкилотчи раҳбар атиги бир йил муқаддам ташландиқ бинода иш бошлаган эди. Бу ерда йигирма беш турдаги халқ истеъмол моллари, асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида жамиятда 67 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, соф фойда етти миллион сўмни ташкил қилди. Бу ерда қирқ беш нафар ходим муқим иш билан банд бўлиб, уларнинг 21 нафари бевосита касаначилик билан машғул.

Ишлаб чиқаришни равон йўлга қўйиш учун ўтган йили банкдан 80 миллион сўм миқдорида ўн тўрт фоизли кредит олинган эди. Жамиятда ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмасдан кредитни қайтариш масаласи ўртага чиқди. Бу эса эндигина қаддини тиклаётган янги корхонага оғирлик қиларди. Ана шунда партиямиздан сайланган депутатлар бевосита ёрдамга келиб, кредитнинг қайтариш муддатини чўзишга эришилди.

— Муаммомиз шундан иборатки, — дейди Хушнуд Бекметов. — Олинган кредитни тўлай бошласак, ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятимиз пасайиб кетади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун эса яна 200 миллион сўм кредит зарур. Чунки, трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш учун махсус тўқув ускунаси керак. Агар шундай ускуна харид қилсак, ҳар ойда камида ўн миллион сўм маблағни тежаб қоламиз. Бу эса олинган кредитни ўз вақтида тўлаш имконини яратади. Натижада қўшимча ўттиз беш иш ўрни яратилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, йилига бир миллиард икки юз миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлади.

Вилоят партия кенгаши депутати Раимберган Сабуров бу фикрни қўллаб-қувватламоқда. Имтиёзли ёки пастроқ фоизли кредит ажратиш масаласида банклар билан музокаралар олиб борилаяпти. Энг асосийси — кредит гарови учун жамият ихтиёридаги бинолар ва ер майдони етарли. Масала юзасидан вилоят ҳокимлигига ҳам амалий таклиф билан чиқилган.

Савол туғилиши мумкин: партиямизнинг вилоят ва туман кенгаши нега бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда? Бу бевосита мутасаддди ташкилотлар иши эмасми? Гап бу ерда маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг қонуний ваколатлари ҳақида бораяпти. Ҳонқа туманида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган манзилли дастур мониторинги хулосаларида буни кўриш мумкин.

Яқинда вилоят партия кенгашида ўтган фаоллар йиғилишида амалиёт билан жиддий шуғулланиш, бандлик дастури ижроси бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар бўйича мунтазам мониторинглар ўтказиш, депутатлар ва фаоллар эътиборини шу йўналишга жамлаш тўғрисида фикрлашилди. Партиямиз электоратини ташвишга солаётган масалалар ечими бўйича билдирилган таклиф-истаклар қоғозда қолиб кетмаслиги кераклиги таъкидланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Мен жўн нарсаларни эмас,

ёшларимизни дунёвий бало-қазодан асраш ҳақида ёздим»

Журналистлар учун семинар-тренинг

■ Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик ғоялар ҳамда «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш юртимизда баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган мазкур долзарб вазифа бажарилишини жадаллаштириш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда республика газеталарида фаолият олиб бораётган бир гуруҳ журналистлар учун семинар-тренинг ташкил этди.

Журналистлар ёшларимизни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, тубан «оммавий маданият» ва бошқа иллатлар таъсирига тушиб қолишдан асраш тўғрисида куюниб ёзишади. Бироқ гиёҳвандлик, диний экстремизм қандай офат эканлигини чуқур англамайдиган айрим кишилар ёзса ёзибди-да, дея газеталардаги мақолаларга унчалик эътибор беравермайди. Журналист эса «Мен жўн нарсаларни эмас, ёшларимизни дунёвий бало-қазодан асраш ҳақида, юртимиз буюк келажаги эгаларини қандай тарбиялаш тўғрисида ёздим. Буни ўқиганлар хулоса чиқариб олади, бошқаларни ҳам огоҳликка чорлайди», деб ўйлайди.

Фондда ташкил этилган семинар-тренинг айнан шу глобал муаммони оммавий ахборот воситаларида таъсирчан ёритиш орқали тараққиётимиз кушандалари бўлган бу иллатларнинг зарарли оқибатларини бартараф этишга бағишланди. Бу муаммо ахборот-технологиялари ривожланган XXI асрда глобал тус олди. Ҳозирги кунда юртимизда сонияда дунёнинг нариги чеккаси билан 16 миллиондан ортиқ уяли телефон орқали алоқа қилувчи, 8 миллиондан зиёд интернетдан фойдаланувчи кишилар, юзлаб хорижий каналларни кўрувчи телетомошабинлар борлигининг ўзи бу муаммога янада хушёрроқ қарашимизни талаб қилади. Агар болалар, ўсмирлар, ёшларгина эмас, қирқ ёшгача бўлган кишилар ҳам ташқи таъсирларга тез берилишини ҳисобга олсак, бу бепоён ахборот маконида уларни ўзлигимизга ёт иллатдан сақлаб қолиш, яратувчанликка, бунёдкорликка йўналтириш долзарб вазифа эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.

— Ҳозирги кунда менталитетимизга ёт бу иллатларнинг таъсир доираси шу қадар кучлики, улар ёшларимиз ҳаётини белгиловчи омилга айланиб қолмасдан бор куч, ақл-идрокимиз билан ҳаракат қилишимиз лозим, — деди маърузачи филология фанлари доктори Файзулла Мўминов. — Бу муаммога ёшлар кўзи билан қарамас эканмиз, ҳеч қачон мақсадга эриша олмаймиз.

— Семинар-тренингга одатий тадбирдай қараган эдим, — дейди «Маърифат» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Жовлиев. — Лекин маърузачиларнинг зарарли иллатлар пайдо бўлиши, уларнинг таъсир доиралари, мўмай даромад илинжида юрган бир гуруҳ кимсаларга қандай хизмат қилиши, юртимиз тараққиётини ичдан емиришга қаратилгани тўғрисида шундай атрофлича маълумотлар беришини кутмагандим. Бу семинар-тренинг биз журналистлар учун фойдали бўлди. Шу мавзудаги мақолаларда нималарга эътибор қаратишимизни белгилаб олдик.

Дарҳақиқат бу хавф-хатарга қарши самарали курашиш учун журналист етарли маълумотга эга бўлиши зарур. Ёшларни ёт таъсирларга тушиб қолишдан сақлашимиз, ҳар лаҳзада уларнинг қалбларини юксак маънавият нурлари билан ёритишимиз учун айтадиган сўзимиз асосли ва таъсирчан бўлмоғи лозим.

Асрор МЎМИН

Камчиликлар бартараф этилди

Газетада босилмади, аммо...

■ Дўстлик туманининг «Қишлоқхўжаликкимё» филиали ишчилари ойлик маошлари ўз вақтида берилмаслиги, ходимларга дам олиш учун шарт-шароит яратилмагани ҳақида шикоят ёзган эди. Таҳририят шикоят хатини вилоятдаги мутасаддилар эътиборига ҳавола қилди. Яқинда унга жавоб мактуби келди.

«Жиззах вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг мутахассис ходимлари томонидан шикоят аризада келтирилган хато ва камчиликлар филиал ишчиларнинг иштирокида ўрганиб чиқилди. Иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди, овқат пуллари тўланди. Дам олиш ва ювиниш хоналарини қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 2010 йил 14 июль куни жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилишида ходимларга ўз вақтида ойлик маоши берилмагани, етарли шарт-шароит яратилмагани ва меҳнат интизоми сусайтириб юборилгани учун филиал мудири Т.Нурманов ва бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи Ш.Саъдуллаевга ҳайфсан берилди. Филиал ҳисобчиси К.Ҳайдаров ва ходимлар бўлими бошлиғи Д.Ўтаев огоҳлантирилди.

Туман филиалида бундай хато ва камчиликлар такрорланмаслиги учун қатъий назорат ўрнатилди.

Жиззах вилоят ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти раиси Н.УТАПОВ»

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатлардан фақатгина айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш ва етказилган зарарни бартараф этиш (55-модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандлари) каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилгандан сўнг фаол ижобий ҳаракатлари билан ажралиб туради.

Юқоридаги тўртта ҳолат айбдорнинг амалда пушаймон бўлганлигини билдириб, унинг ўз қилмишининг ғайриқонунийлигини англаганлигидан ва у учун жазо олишга тайёр эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, қонунда қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жазонинг аниқ чегараси ва енгилроқ жазо тайинланишининг ҳуқуқий кафолатлари белгиланмаганлиги сабабли, айбдор шахслар пушаймонликни фаол ҳаракат орқали намоён этишдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эмас эди. Бу ҳолат эса жиноятларнинг тез фош этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидируви ва ушланиши, кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилишига ёрдам бермас эди.

Шу сабабдан қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексига янги 57[1]-модда киритилиб, унда юқорида кўрсатилган ҳолларда ва оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигида жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган жазо тайинланиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Бунда киритилган норма ижтимоий хавфи юқори бўлган, оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (155-моддасининг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунчиликдаги яна бир бўшлиқ касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсларга ОИВ касаллигини юқтириш учун жиноий жавобгарлик масалалари билан боғлиқ бўлган.

Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни белгиловчи махсус меъёр мавжуд эмаслиги боис ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида ҳуқуқни қўллаш ва тергов-суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри малакалашда муаммолар юзага келар эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарликни назарда тутиб, бундай жавобгарлик фақатгина баданга ўртача оғир шикаст, оғир шикаст, одамнинг ўлими каби оқибатлар келиб чиққан ҳолдагина юзага келади. Бунда ОИВ инфекциясини юқтириш ҳолатининг ўзини, оқибатда ўлим юз бермаган бўлса, жавобгарлик учун асос бўлувчи оқибатлар сирасига киритиш мумкин эмас.

Шу сабабли, 2010 йил 24 май куни Қонун қабул қилиниб, Жиноят кодексининг 113-моддаси шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши учун олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жавобгарликни назарда тутувчи бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Мазкур норма ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини ва тиббиёт ходимларининг ушбу касалликнинг олдини олиш қоидаларига қатъий риоя этиши учун масъулиятини оширишга қаратилган.

Жиноят кодекси 113-моддасининг янги таҳририда «ОИТС касаллиги» термини ўрнига «ОИВ касаллиги/ОИТС» терминидан фойдаланганлиги сабабли худди шу Қонун билан Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 57-59-моддаларида ҳам шу каби ўзгартишлар амалга оширилиб, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар киритилди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини ошириш борасида кўрилаётган чоралар алоҳида эътиборга сазовор.

Амалга оширилаётган чоралар натижасида республикада вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. 2000 йилга нисбатан ўтган йилда болалар жиноятчилиги 19,8 фоизга, жиноят содир этишда иштирок этган вояга етмаганлар сони 12,2 фоизга камайди.

Айни вақтда вояга етмаганлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари кўпайди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда бунга уларнинг тунги вақтда турли кўнгилочар масканларда назоратсиз юришлари ва аксарият ҳолларда бу ерда спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари омил бўлмоқда.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини бу тариқа ўтказишларига кўнгилочар масканларнинг раҳбарлари ва бошқа масъул ходимларнинг тунги вақтда мазкур муассасаларда вояга етмаганни ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ҳозир бўлишига йўл қўйганлиги учун жавобгарлиги белгиланмаганлиги асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Шуни инобатга олиб, жорий йилнинг 17 май куни «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларида вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига йўл қўйганлик учун мазкур жойларнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи янги 188[2]-модда билан тўлдирилди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарларидан ташқари, бундай жойларда тегишли фармойиш, меҳнат шартномаси, вазифалар тақсимоти билан ёхуд эгаллаб турган хизмат мавқеи туфайли кўнгил очиш (дам олиш) жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш қоидаларига ёки мижозларнинг кириб-чиқиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш учун жавобгарлик юкланган бошқа масъул шахсларни ҳисобламоқ керак.

Ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун суд айбдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима турдаги маъмурий жазо чорасини белгилаши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, киритилган нормани тўғри қўллаш учун «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, яъни 3-моддасидаги ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар деганда қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) тушунилиши кераклиги ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиш зарур.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188[2]-моддасида кўрсатилган бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларига кафетерийлар, ошхоналар, чойхоналар, буфетлар каби умумий овқатланиш жойлари, шунингдек, театрлар, концерт заллари, ўйин-хоналар, биллиардхоналар ва бошқа шу каби жойларни киритиш лозим.

Ушбу моддада қўлланиладиган тунги вақтни аниқлаш учун Меҳнат кодексининг 122-моддасига мурожаат қиламиз, унга кўра соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига болаларнинг ҳимоясига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимидаги органлар ва муассасаларнинг масъулиятини ошириш, болаларнинг девиант (яъни жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларига зид бўлган) хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини кескин яхшилашга қаратилган «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси киритилган.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масалалари ҳукуматнинг алоҳида қарорлари, алоқадор вазирликлар ва идораларнинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган, бу эса ўз навбатида мазкур муаммоларни ҳал қилишга мутасадди бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва иш самарадорлигини оширишга етарли имкон бермаяпти.

Ишлаб чиқилган лойиҳада эса вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатлари пухта ва комплекс тарзда белгиланган. Унда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан профилактик ишини олиб бориш тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш асослари ва бошқа масалалар мустаҳкамланган.

Сизларга маълумки, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республикамиз томонидан 2008 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенциялар ратификация қилинган.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мазкур конвенцияларини миллий қонунчиликка сингдириш, боланинг ҳаёти, соғлигининг муҳофаза қилиниши ва ота-оналар ҳамда бошқа шахсларнинг суиистъемолликларидан ҳимоя қилишига бўлган ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш учун 2009 йилнинг декабрь ойида қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Хусусан, 2009 йил 21 декабрь кунги «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга мувофиқ Кодекснинг 49-моддаси вояга етмаганларнинг меҳнати ва меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсга оғирроқ жазо қўллашни назарда тутувчи янги норма билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда айбдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги киритилган 49[1]-модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига киритилган ўзгартишлар асосида вояга етмаган шахсни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жазо чоралари кучайтирилди.

Агар меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлса, вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган худди шундай ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

2009 йил 24 декабрдаги Қонун билан Меҳнат кодекси ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, шахсни ишга қабул қилиш мумкин бўлган энг кичик ёш чегараси кўтарилди.

Эндиликда ишга қабул қилишга фақатгина ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Айни пайтда, агар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчилари ўн беш ёшга тўлган бўлса, ўқишдан бўш вақтида ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни бажариши учун ишга қабул қилиниши мумкин.

Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ўқувчиларни ишга қабул қилишга ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин йўл қўйилар эди.

Эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган яна бир ҳужжат фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, бу соҳада инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш масалаларига тааллуқлидир.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси аҳволи текширилди.

Текшириш давомида хусусий тиббиёт амалиёт билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан тиббий хизматлар кўрсатиш тартибига оид қонун ҳужжатларининг жиддий бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш кўрсатдики, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланишга лицензияга эга бўлган 1.187 нафар жисмоний шахсдан ҳақиқатан 581 нафаригина ўз фаолиятини амалга ошириб келган.

Бунда, хусусий равишда ишловчи шифокорларнинг аксарияти даволаш жараёни стандартлари, санитария ва гигиена қоидалари, асбобларни стерилизация қилиш ва ишлатилган тиббий буюмларни утилизация қилиш бўйича талабларига риоя этмаган ҳолда тиббиёт хизматларни кўрсатиб келган.

Санитария қоидалари ва нормаларига кўра, хусусий тиббиёт амалиёт билан шуғулланувчи 542 нафар шифокор (581 нафаридан) фаолият тури бўйича махсус ўргатилган тиббиёт ходимлари билан тўлдирилган стерилизация қилиш бўлинмаларига эга бўлиши лозим эди, бу эса фақатгина юридик шахс шароитида ташкил этилиши мумкин.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг кафолатланишини таъминлаш мақсадида 2010 йил 19 май куни «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Киритилган тузатишларга кўра, жисмоний шахслар томонидан хусусий тиббиёт фаолияти билан шуғулланилишига йўл қўйилмайди.

Ҳозирги вақтда мамлакат парламентида яна бир ҳужжат – «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг ишлаб чиқилишидан олдин прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида текшириш ўтказилиб, унда қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига хўжасизларча ва масъулиятсизлик билан қараш, фуқаролар томонидан келгусида қабрлар солиш учун ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, қабристонларни ташкил қилиш мақсадида маданий-мемориал комплексларининг фондларидан ерларни ноқонуний ажратиш ҳолатлари аниқланган, қабристонларни ободонлаштиришга ажратилган бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши ва мақсадсиз ишлатилиши ҳоллари фош этилган.

Мазкур соҳада бундай аҳволнинг юзага келишининг сабабларидан бири — ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, дафн этиш ва дафн иши масалаларини тартибга солувчи қонунчилик актининг мавжуд эмаслигидир.

Кўп конфессионал жамиятимиз ҳаётининг бу муҳим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳада асосий тушунчаларнинг таърифини белгилаш, марҳумнинг муносиб равишда дафн этилиши кафолатларини мустаҳкамлаш, дафн этиш жойлари ва дафн ишини ташкил қилиш борасидаги муносабатларни, шунингдек, бошқа ҳуқуқий жиҳатларни тартибга солиш кўзда тутилган.

Хусусан, унда вафот этганидан кейин жасадига ҳурматни ўрнига қўйган ҳолда муносабатда бўлиш юзасидан шахснинг ҳаётлик чоғида хоҳиш билдириши ва бошқа ҳуқуқлари белгиланган, дафн этиш жойларини, қабртошларни, панжаралар ва бошқа ашёларни таҳқирлаш ёки вайрон қилиш, шунингдек, жасадни таҳқир этишга тақиқ ўрнатилган.

Қонун лойиҳасининг алоҳида қоидалари билан дафн этиш жойларини ташкил этиш, бу жойлар учун санитария-гигиена ва экологик нормаларига мувофиқ ер майдонини танлаш ҳамда ажратиш масалалари тартибга солинган, уларни сақлаш ва ободонлаштириш бўйича талаблар белгиланган.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси чет эл давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида халқаро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда жиноят-процессуал қонунида чет эл давлатлар муассасалари билан ўзаро муносабатда бўлиш, айбланувчиларни ушлаб бериш ва жиноий таъқиб қилишга оид фақатгина айрим умумий нормалар мавжуд.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровларни юборишда миллий органлар ваколатларининг аниқ белгиланиши, чет эл давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи, Ўзбекистон Республикасида ушланган жиноятчиларни бериш тўғрисидаги сўровларни бажариш тартиби, ҳамкорликни амалга оширишда ўзаро келишув тамойили каби махсус масалалар бўйича нормаларнинг мавжуд эмаслиги эса ягона тергов-суд амалиётининг шаклланишига тўсқинлиқ қилмоқда.

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари, қоида тариқасида, умумий характерга эга бўлиб, халқаро ҳамкорлик борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган миллий жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидаларини бутунлай алмаштира олмайди.

Шу муносабат билан, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун амалиётчи-ходимларга зарур бўлган ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Бош прокуратура томонидан тегишли Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Жиноят-процессуал кодексини янги боб билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Янги бобда чет эл давлатга процессуал ҳаракатларни бажариш, унинг ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш, жиноий таъқибни амалга ошириш учун жиноят иши материалларини юбориш тўғрисида сўровлар юбориш, шунингдек, чет эл давлатлар муассасаларининг бундай сўровларини Ўзбекистон Республикасида бажариш тартиби каби масалаларни ва бошқа қоидаларни батафсил тартибга солиш назарда тутилади.

Тез кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун лойиҳасининг киритилиши кутилмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида акс эттирилган Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳия ҳам давлат суверенитети, миллатнинг бирлиги, унинг ўтмиши ва келажагининг рамзи, ҳам миллий ифтихордир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси, дипломатик ва консуллик муассасалари олдида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг ҳилпираб туриши ёки давлатлар раҳбарларининг расмий ташрифлари давомида, шунингдек, спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари шарафига ёхуд бошқа тантаналарда давлат мадҳиясининг янграши ҳар бир кишида миллий ғурур ҳиссини уйғотади.

Шу боис, барчамиз давлатнинг бу тимсолларини ёдда тутишимиз, сақлашимиз ва ҳурматсизлик кўринишларидан муҳофаза қилишимиз шарт.

Шуларни инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунларга давлат рамзларининг тижорат мақсадида ишлатилишига чек қўйишга, шунингдек, давлат рамзлари ҳақидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада байроқнинг кўтарилиши, герб тасвирининг ўрнатиб қўйилиши ҳамда мадҳиянинг ижро этилиши ҳолатларига аниқлик киритилмоқда.

Бундан ташқари, одам бир-бирини кўрганда ўзаро ҳурмат-эҳтиромини изҳор қилиши, қўлини кўксига қўйиб, ҳол-аҳвол сўрашиши авлод-аждодларимиздан ўтиб келаётган ўзбекларга хос одат, анъана ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг давлат мадҳияси оммавий тадбирда ижро этилаётганда ўнг қўлни кўксига қўйиш ҳақидаги қоида билан тўлдирилишида бу азалий одатларимизнинг унга сингдирилишининг бир кўринишидир.

Фуқароларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан ўз манфаати учун фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида давлат рамзлари (байроқ ва герб) тасвирларидан товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, уларнинг элементларини нодавлат ташкилотларнинг ҳужжатлари реквизитлари ёки реклама материалларига қўйишга тақиқ солинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи 203[1]-модда билан тўлдириш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга йўналтирилган, инсонларнинг хавфсизлигини сезиларли даражада пасайтирадиган ва кўпинча жиддий йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келадиган қўпол қоидабузарликлар содир этадиган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Суд-экспертлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган кейинги ҳужжат — жорий йилнинг 1 июнь куни қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонундир.

Бундан аввал Ўзбекистон қонунчилигида суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва бундай фаолиятнинг асосларини белгиловчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаган. Фақатгина суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш масалалари процессуал қонунларда акс эттирилган.

Қабул қилинган Қонунда амалий жиҳатдан долзарб бўлган суд-экспертлик фаолиятининг тушунчаси, унинг принциплари билан боғлиқ масалалари ёритилган, бундай фаолиятнинг барча томонлари тартибга солинган.

Жумладан, унда «суд экспертизаси», «суд-экспертлик фаолияти», «суд эксперти» тушунчаларига илк бор таъриф берилган, суд-экспертлик фаолиятининг тамойиллари, хусусан, қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертининг мустақиллиги, холислик, ҳар томонламалик ва тўлиқлик мустаҳкамланган. Шунингдек, суд экспертининг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, суд экспертизасининг турлари (қўшимча, қайта, комплекс, комиссиявий) тартибга солинган.

Тўхталиб ўтмоқчи бўлган яна бир қонун ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга тегишлидир.

Жиноятчиликка қарши курашиш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг иши алоҳида хусусиятга эга бўлиб, кўпинча ходимларнинг ҳаётини хавф-хатарга солиш билан боғлиқдир. Шу боис, давлат томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаёти ва соғлиғини суғурталашга қаратилган алоҳида чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, пенсия ва солиқ қонун ҳужжатлари нормалари билан хизмат бурчларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ҳарбий хизматчиларининг оилалари учун даромад солиғи солишдан қисман ва мулк солиғидан тўлиқ озод қилиниши билан боғлиқ имтиёзлар, шунингдек, пенсияларга устама ҳақлар белгиланган эди.

Бироқ кўрсатилган имтиёзлар ички ишлар органлари ходимларининг барча тоифаларига эмас, балки фақатгина ҳарбий хизматчиларига доир бўлган. Айни пайтда, мустақиллик даври мобайнида хизмат вазифаларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар бўлмаган ходимларининг сони оз эмас.

Бир хил шароитлардаги хизматни ўташда, шу жумладан, жанговар вазифаларни бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ходимларининг оилалари учун имтиёзлар беришда бундай чегараланиш ижтимоий адолат тамойилига бироз мувофиқ эмас эди.

Шу муносабат билан 2010 йил 20 май куни қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси ва Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Ушбу моддаларнинг янги таҳририга мувофиқ ички ишлар органларининг ҳарбий хизматчилари учун белгиланган пенсия ва солиқ имтиёзлари эндиликда хизмат вазифаларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистонда изчил ривожланаётган солиқ-бюджет сиёсати 2009 йил 30 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишини белгилаб қўйиб, унинг 130 тага яқин моддалари ўзгартирилди. Бунда, кодекснинг 6 та моддаси 2010 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бўлса, қолганлари кодекснинг бевосита амал қилишини таъминлаш, унинг алоҳида нормаларидаги ноаниқликларни ва фарқ қиладиган қоидаларни бартараф қилиш заруриятидан келиб чиқандир.

Масалан, Солиқ кодексининг 62-моддасига киритилган тузатишлар солиқлар бўйича қарзни ундириш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган. Жумладан, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилиши ҳақидаги қоидадан якка тартибдаги тадбиркорлар чиқариб ташланди. Бундан буён якка тартибдаги тадбиркорларга илгари фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланилган чоралар татбиқ этилади, яъни инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ва ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратишдир.

Солиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётган солиқ тўловчи — юридик шахсларга нисбатан солиқ қарзини ундириш чораларининг ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш учун Солиқ кодексининг 96-моддасига қўшимча киритилди. Хусусан, давлат солиқ хизмати органларига қўйидаги ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ваколати берилди: солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда, шунингдек, солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда.

Шундай қилиб, биз қонунчиликдаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ сўнгги ўзгартишларга қисқа шарҳ беришга ҳаракат қилдик.

Сўзсиз, бу ўзгартишларнинг барчаси қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга ва шу билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, «Агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз».

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори.

Чемпионлар улғайган, камолга етаётган даргоҳ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Коллеждаги ўқиш-ўқитиш ва машғулотлар ўтказиш, бир сўз билан айтганда, спортчи чемпионларни тарбиялаш, тайёрлаш жараёнлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу ерда ёшларимизга кўплаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар дарс беришади. Ўқув дастуримизда 23 та спорт тури мавжуд бўлиб, шулардан 19 таси олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Ҳозирги кунда таҳсил олаётган 750 нафар спортчи ёшларимизнинг 80-90 фоизи барча ёшдаги миллий терма жамоалар аъзолари ҳисобланади.

Шу ўринда футбол бўлимимизга алоҳида тўхталишни истардим. Ҳозирги кунда ёшлар терма жамоа аъзоларининг асосий қисми бизнинг коллежда таҳсил олади. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (1994 йилда туғилган) бош мураббийи Алексей Евстафеев қўл остида, ноябрь ойида мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёрланмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Аҳмад Убайдуллаев шогирдларидан (1989 йилда туғилган) Мурод Холмуҳаммедов, Иван Нагаевлар ҳам шу ерда ўқиган. Улар жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ўз кучларини синаб кўришди. Ҳозир бош жамоамизнинг асосий таркиб ўйинчилари бўлган Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров, Александр Гейнрихлар ҳам коллежимизни битиришган.

— Ҳозир айни қабул вақти. Бу жараён сизларда қандай кечади?

— Коллежимизга қабул қилиш ҳақида гапирадиган бўлсак, кўпчилик ота-оналар билиши зарур бўлган баъзи масалаларни айтиб ўтмоқчиман. Номи билан ҳам айтиб қўйилган, Республика олимпия захиралари коллежи. Кўриниб турибдики, бу ерда асосан мамлакатимиз миллий терма жамоаларига захира кучлар етиштириб берилади. Коллежимизга ўқувчиларни 7-синфдан бошлаб қабул қиламиз. Бу пайтгача бола қандайдир натижалар кўрсатган бўлиши керак. Бу жуда муҳим ҳисобланади. Бизда спортнинг бирор-бир турини бошидан ўргатиш босқичи йўқ.

Мураббийларимиз чекка вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқлардаги мусобақаларга бориб, спортга иштиёқи бор болаларни топишади ва уларни ўқиш учун коллежимизга таклиф қилади. Бу ерда болаларни махсус комиссия аъзолари билан бирга, қайта синовдан ўтказамиз ва уларни баҳолаб, энг сараларини қолдирамиз. Бошқа илм даргоҳларидан коллежимизнинг яна бир фарқли томони биз асосан истеъдодли спортчиларни танлаб олишга ҳаракат қиламиз. Чунки эртага улар Ватан шаъни учун майдонга чиқишади. Бизнинг энг катта мақсадимиз жаҳон чемпионатлари, Осиё, олимпиада ўйинларида болаларимизнинг яхши натижалар кўрсатиб, юқори ўринларни қўлга киритишидир.

— Сиз ҳам шу коллежда ўқиган экансиз. Умуман, олдинги ўқувчиларнинг машғулотларга бўлган муносабати билан ҳозирги спортчи ёшларнинг интилишлари орасида фарқ борми?

— Ўша даврдаги спортчилар билан ҳозирги спортчилар орасидаги фарқ ер билан осмонча десам муболаға эмас. Биринчидан, у пайтларда ҳозиргидай имкониятлар бўлмаган. Мисол учун коптокни, кийимларимизни олайлик, мана шундай оддий спорт буюмларини ҳам топиш қийин эди. Ҳозирда шароитлар умуман бошқача. Яна бир жиҳат, бизга таълим берган устозларнинг кўпчилиги катта футболдан чиққан етук футболчилар бўлишмаган. Ҳозирда эса жамоаларга тажрибали спорт усталарини жалб қилганмиз. Бизнинг даврда жуда кўпчилик ёшлар спортга фақат қизиқишар эди, ҳозирги ёшларимиз учун эса спорт — ғалаба, жасорат, матонат, таъбир жоиз бўлса шаън-ғурур масаласига айланиб қолган. Яна бир ҳақиқатдан кўз юммаслигимиз кера. Мустақилликка қадар, қанчадан-қанча истеъдодли ёшларимизни иқтидори республикадан нарига ўтмасдик. Қанчалар зўр бўлсак ҳам Осиё, жаҳон, олимпиада баҳсларига бизни олиб боришмас эди. Ҳозир эса ёш спортчиларимиз жаҳонни кезмоқда. Дунёни титратмоқда. Мустақил Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда.

Биз ўқувчиларимизга кўп бора таъкидлаймиз. Агар спортчи машаққат чекмаса, қийналмаса, тер тўкмаса, ундан келажакда яхши спортчи чиқиши қийин. Мисол тариқасида Миржалол Қосимовни олиб кўрайлик. У оддий оиланинг фарзанди. Қаранг, қандай машҳур бўлиб кетди. Ўзбекистон чемпиони, Россия чемпиони, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Европа чемпиони, Осиё ўйинлари, чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори», қўша-қўша орденлар соҳиби даражасига етди.

— Коллеж ўқувчилари учун қандай тартиб-интизом ва талаблар жорий қилинган?

— Бизда ўзига яраша тартиб-интизом бор. Эрталаб соат 8:00 дан мактабимизда дарслар, 8:30 да эса коллеж ўқувчилари учун спорт машғулотлари бошланади. Бу жараён икки соат давом этади. Кейин ўрин алмашишади, яъни мактабдагилар машғулотларга, коллеждагилар эса дарсга киради. Тушликдан кейин мактаб ўқувчиларига ҳам, коллеж



талабаларига ҳам бараварига қўшимча дарслар ўтилади. Қарабсизки, бола кун бўйи банд бўлади.

Светлана КУЗНЕЦОВА,
РОЗКнинг спорт гимнастикаси бўйича бош мураббийи, Жаҳонда ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий:

— Ҳозирда бизнинг бўлимимизда қирқ нафар ёшлар таълим олишмоқда. Улардан йигирма нафари ўғил болалар, қолгани қизлар. Буларнинг ярмидан кўпроғи миллий терма жамоа аъзолари ҳисобланади. Шогирдларим орасидан жаҳон, олимпиада чемпионлари етишиб чиққан. Мен улар ичида Оксана Чусовитинани алоҳида таъкидлаган бўлардим. У бу ерга 10 ёшида келганди. Шу ерда улғайди, вояга етди. Олимпиада ўйинларида беш марта қатнашганининг ўзи ҳам унинг имкониятлари қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, яна бир ўқувчимиз Луиза Галиулина ҳам яхши натижаларни қайд этмоқда. Бўлимимизда хореография, акробатика, жисмоний тайёргарлик бўйича алоҳида мураббийлар иш олиб боришади. Ютуқларимизда мураббийлар жамоасининг алоҳида ўрни бор.

Биргина мисол, мусобақалар бўлаётган пайтда ўқувчилар йиғинларга кетишади. Ва табиийки дарсларни қолдиришига тўғри келади. Мана шундай пайтлар ўқитувчилар ўша ўқувчилар билан алоҳида шуғулланишади ва дарсларда бошқа тенгдошларига етиб олишига кўмаклашишади.

Иш фаолиятим давомида 35 нафар ўқувчим спорт устаси даражасига етди. Коллежнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу даргоҳнинг асосий ютуғи иш тўғри ташкил қилинганидадир. Шу сабабли ҳам коллежимиз бугун мамлакатимиз спорт ҳаётида ҳақиқий чемпионлар тайёрлаш маркази вазифасини ўтаб келяпти.

Ўқувчиларимиздан бири Дилноза Абдусалимова ўсмирлар ўртасида Сингапурда бўлиб ўтадиган олимпиадага йўлланмани қўлга киритди. Ҳозир шогирдларимизни жаҳон чемпионати ва кузда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига тайёрлаяпмиз. Асосий мақсадимиз Лондон олимпиадасига йўлланмани қўлга киритишдир.

Александр ТАЙСКИХ,
РОЗКнинг бокс бўйича мураббийи:

— Бизнинг коллежимиздан кўплаб истеъдодли боксчилар етишиб чиққан. Ушбу анъана бугун ҳам давом этмоқда. Масалан, Акром Мамажонов Осиё чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. Сардор Бегалиев эса учинчи бўлди, жаҳон чемпионатида эса кумуш медалга сазовор бўлди. Бунинг натижасида Сардор Сингапур олимпиадасига йўлланма олди. Булардан ташқари бу ерда кўплаб умидли, ёш боксчилар тайёрланмоқда. Масалан, Абдуҳамид Ҳакимовни олиб қарайлик. У келаси йил бокс бўйича катталар терма жамоасига қабул қилинади деб ўйлайман. Яқинда бўлган республика чемпионати баҳсларида бизнинг кўплаб йигитларимиз биринчи ўринни эгаллашди. Ҳозирги бокс бўйича Ўзбекистон катталар терма жамоасининг асосий қисмини бизнинг коллежимиз битирувчилари ташкил этмоқда. 2008 йилги Пекин олимпиадасида икки нафар тарбияланувчимиз иштирок этишди. Булар Элшод Расулов ва Хуршид Тожибоевдир.

Бизда мураббийлар штаби 8 кишини ташкил этади. Улардан икки нафари хизмат кўрсатган мураббий унвонига эга. Етти нафар мураббийимиз республика тоифасидаги, бир киши халқаро тоифадаги спорт устаси. Бокс бўйича барча ёшдаги терма жамоаларимизда коллежимиз тарбияланувчилари кўпчиликни ташкил этаётгани бизни қувонтирмоқда.

Коллеж билан танишишимиз якунида директор Мурод Алиев қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

— Коллежни битирган ўқувчиларимиз нафақат спортчи, балки спортнинг оиладаги, маҳалладаги, шаҳардаги, мамлакатдаги тарғиботчиси бўлиб етишади. Президентимиз айтганидек, албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажакнинг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга буюк келажакнинг бир омили борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир.

Республика олимпия захиралари коллежидан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Дарҳақиқат, бу ерда қанчадан-қанча спорт юлдузлари ўқиган ва ҳозирда уларнинг муносиб издошлари ҳам таълим олишмоқда. Коллежда яратилган шарт-шароитларни кўриб, бу масканда таҳсил олаётган ёшларнинг яқин келажакда олимпиада ва жаҳон чемпиони бўлишларига ишонч ҳосил қилдик.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Божхона бекати

■ Республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида аниқланган 2300 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида 2 млрд. сўмдан ошиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ноқонуний иш

келтирар ташвиш

Пойтахт аэропортида хориж фуқароси Р.Бунсунг «Тошкент-Алмата» йўналишидаги парвозини қолдиришига тўғри келди. Чунки у ёнидаги 2115 АҚШ доллари ва 2000 еврони божхона баённомасида ҳам, оғзаки сўров пайтида ҳам маълум қилмаган эди. Яна бир чет эл фуқароси К.Навал ҳам Москвага парвози олдидан 4 минг АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Сеулга отланган хоржлик У.Донгминг пойтахт аэропортида парвоз олдидан божхона назоратидан ўтказилганда, унинг сумкасида божхона баённомасида кўрсатилмаган ва инспекторнинг оғзаки сўрови пайтида айтилмаган 5,7 минг хитой юани борлиги аниқланди.

Шунингдек, «Нукус-Алмата» поезди йўловчиси Г.Исаева 3650 АҚШ долларини республикамиздан яширинча олиб чиқишга уринган эди. Бу ҳаракатидан оқибатда ўзи панд еди.

Яна бир меҳмон Н.Хироши ҳам ёнидаги 54 минг япон иенаси ҳақида маълум қилишни «унутиб» қўйгани боис сурхондарёлик божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди.

Тошкент вилояти божхоначилари эса фуқаро У.Елгановани нақд хорижий валюталарни яширинча олиб киришга уринган пайтда фош этди. Қарангки, қонунбузар божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилиш мақсадида 1.54 млн. қозоқ тенгесини белига боғлаб олиб ўтишни режалаштирган экан.

Яқинда пост ходимлари яна бир қонунбузарлик ҳолатида йирик миқдордаги нақд хорижий валюталарнинг яширинча олиб чиқилишига чек қўйди. Гап шундаки, қўшни давлатга ўтаётган пиёдалардан бири Д.Абдугаппарованинг кийимлари остидан белига боғлаб олган рўмоли божхоначиларда шубҳа уйғотди. «Белбоғ» холислар иштирокида очиб кўрилганда унга қонунбузар томонидан оз эмас-кўп эмас, нақд 80 минг АҚШ долларидан ортиқ валюта яширилгани маълум бўлди.

Ҳозир юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом этмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати.

Ҳажв дафтаридан

■ Бошлиқнинг кўзи фақат Тешавойни кўради. Ҳали у мактабга, ҳали бу мактабга бор, ҳали вилоятга, ҳали ҳокимлик тадбирига деб, бир дақиқа тиндирмайди. Тешавой ҳам бошлиқни шунга ўргатиб қўйган.

РАШК

У туман халқ таълимига ишга кирганидан бери аҳвол шу.

— Кўчада кўп юрасиз, сизга битта «сотка» олиб бермасак бўлмаскан, — деди бошлиқнинг ўзи. — Сиз йўғингизда савол чиқиб қолади, сўрайдиган одам тополмайман.

— Эътибор учун раҳмат, — деди Тешавой мамнун бўлиб. — Бунга ҳужат бормикан? «Сотка»нинг харажати кўп, тўлашга маош етармикан?

— Бу томонини ўйламанг, харажати ишхона ҳисобидан.

Бу гап Тешавойга маъқул тушди. «Сотка» жоннинг ҳузури, хоҳлаган вақтда хоҳлаган киши билан гаплашасан. Тешавой телефон рақамини хотинига ҳам айтди.

Орадан икки кун ўтгач, Тешавой чекка қишлоқдаги мактабга юборилди. У ердан кунни кеч қилиб, тўғри уйига келса, хотинининг қош-қовоғи осиқлиқ. Тешавой ҳайрат ва бир оз хавотир билан:

— Тинчликми? — деб сўради. — Кайфиятинг йўқроқ?

Хотин бир-икки ўқрайиб, сўнг йиғлаб юборди. Тешавой довдиради.

— Нима гап, тушунтирсангчи! — унинг билагидан тутмоқчи эди, хотини силтаб ташлади.

— Қўлингизни теккизманг менга! — деди ҳуркак оҳудек бир сапчиб. — Хизмат доирасидан ташқарида юрадиган эр билан ортиқ яшамайман! Жавобимни беринг, кетаман!

— Қанақа «доира» ҳақида гапиряпсан?

— Бугун телефонингизга қўнғироқ қилсам, бир қиз билан хизмат доирадан ташқарида юрган экансиз. Қанақа қиз эди у?

— Қанақа қиз? Ким айтди бу гапни сенга?

«Эрим атайин ўзини анқовликка соляпти» деб ўйладимми, хотин баттар тутақди:

— Унда айтинг-чи, бугун телефонингизни кимга бериб қўйган эдингиз?

— Ҳеч кимга.

— Нега унда сизнинг ўрнингизда бегона қиз жавоб берди?

— Нима деб жавоб берди?

— «Тешавой хизмат доирасидан ташқарида», деди. «Нима?» десам, ўзбекчага тушунмади дедими, ўрисчалаб кетди. Жаҳлим чиқиб, «ўл-е, кимсан?» десам, чулчитчасига бидиллади. Ростини айтинг, ким эди у қиз?

Хотин бу «хўрлик»ка чидай олмай, яна «тўкилиб» кетди. У йиғлаган сари Тешавойнинг кулгиси қистайверди. Хотин бўлса:

— Қилғиликни қилиб, яна устимдан кулганингиз нимаси? — деди. Тешавой эса:

— Сенга Тешавой эмас «Телефон хизмат доирасидан ташқарида» деган. Роботдан рашк қилганингга кулмай, сенга қўшилишиб йиғлайми? — деди.

Илҳом ЗОЙИР

«TOSHKENT QISHLOQ QURILISH SERVIS» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 17 июль, 83-сонида тахта (игна баргли) ва темир тунука (металлочерепица учун) маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан берилган танлов (тендер)лар ҳақидаги эълонлар бекор қилинганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 61. Телефон: (+99897) 401-19-53, факс: 296-77-93.

Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 6 мартда № 01-00524-сон билан рўйхатга олинган «2512-Автожамланма» давлат унитар корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 22 июль пайшанба куни чиққан 85 (31.205) сонидаги «Таҳлил ва танқид руҳида» сарлавҳали материалнинг «Қишлоқ хўжалиги» сўзлари билан бошланган абзацидаги «514,9 квадрат метр» сўзлари «514,9 минг квадрат метр» деб ўқилсин.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комил Очиловга отаси

АБДУРАИМ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, республика «Аёллар Кенгаши» жамоат бирлашмаси раиси Хадича Жафаровага волидаи муҳтарамаси

Фотима МАМАТҚУЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ҳурматли юртдошлар!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сизга манфаатли шартларга асосланган **«АНТИҚА»** жамғарилувчи омонатини таклиф этади

«Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади. Маблағларнинг омонатда сақланиши муддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24 фоиз, 4 ойга йиллик 25 фоиз, 6 ойга йиллик 26 фоиз, 8 ойга йиллик 27 фоиз, 10 ойга йиллик 28 фоиз ва 12 ойга йиллик 29 фоиз миқдорида фоиз даромадлари тўланади. Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензиялаган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 649
8241 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda